

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Ү140** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг вео-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Окюлов Омонбой, юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Самарходжаев Батыр Билялович, юридик фанлар доктори, профессор Топилдиев Воҳиджон Раҳимжонович, юридик фанлар доктори, профессор Матқурбанов Рашид Жолдасбаевич, юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Ү1.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 29 декабрь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1001-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Амир Темуր кўчаси 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» декабрь куни тарқатилди
(2021 йил «14» декабрдаги 21-рақамли реестр баённомаси).



И.Р. Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

С.С. Гулямов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда истеъмолчиларни ҳар томонлама сифатли ва хавфсиз товар (иш, хизмат)лар билан таъминлашга ҳамда уларнинг ҳуқуқларни кафолатлаш ва ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бериб келинади. Ҳар бир инсоннинг истеъмолчилик мақомидан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчи, сотувчи, иш бажарувчи ва хизмат кўрсатувчиларга истеъмол мақсадларида товар (иш, хизмат)ни реализация қилишлариغا нисбатан алоҳида талаблар қўйилиши билан бирга, кучайтирилган жавобгарлик чораларини белгилаш ҳамда етказилган зарарни қоплашда истеъмолчига имтиёзлар берилиши жаҳон ҳуқуқшунослигида устувор йўналишлар сифатида қаралади. Жумладан, 2019 йилда Facebook истеъмолчиларга оид маълумотларни ошкор қилганлиги учун 5 млрд миқдорда жаримага¹ тортилган бўлса, Johnson & Johnson компанияси реклама қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлиги 2,2 млрд² АҚШ долларини ташкил этган.

Жаҳонда истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги долзарб йўналишлар сифатида масофавий шартномалар асосида товар (иш, хизмат)ни сотиш, Интернет тармоғи орқали истеъмолчига хизмат кўрсатиш ҳамда электрон савдо майдончаларида истеъмолчи билан ҳуқуқий муносабатларга киришишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва унинг контрирагентини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда истеъмолчи ҳуқуқини таъминлаш, унга етказилган зарар ҳажми ва миқдорини аниқлаш ҳамда унинг қонунда белгиланган ҳуқуқини тўлақонли амалга оширишга имкон яратиш бирламчи вазифалар сифатида белгиланган. Шу билан бирга истеъмолчига етказилган маънавий зиён учун компенсациянинг адолатли мезонларини белгилаш, бу борада сунистеъмолликка йўл қўйилмаслик ҳам жаҳон ҳуқуқшунослигида муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланмоқда.

Бугунги кунда юриспруденцияда истеъмолчи мақомини янада аниқлаштириш, жисмоний шахснинг нафақат истеъмол ва маиший мақсадини, балки муайян соҳалар (масалан, кишлоқ ҳўжалиги, касаначилик, ҳунармандчилик)да ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ҳаракатини ҳам истеъмолчилик мақоми билан боғлаш, истеъмолчи – контаргент муносабатларини эса тадбиркорлик фаолияти билан боғлаш орқали унинг мақомини аниқлаш тенденцияси кузатишмоқда. Қолаверса, жаҳон цивилистикасида етказилган истеъмол зарари қопланиши керак бўлган субъектлар доирасини, зарар етказувчининг айбдорлик презумпциясини, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида зарарни қоплаш ҳажмини, истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилишга нисбатан зарарни қоплаш қўламини аниқлаш масалалари тадқиқот объекти сифати долзарбдир.

Бугунги кунда миллий ҳуқуқшуносликда “истеъмолчи мақоми” тушунчасини аниқлаш, унинг белгилари ва тавсифи, истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш асослари ва тартибини такомиллаштириш

¹ <https://www.forbes.ru/tehnologii/380671-facebook-oshtrafovali-na-rekordnye-5-mlrd>

² <https://www.rbc.ru/economics/05/11/2013/570412439a794761c0ce358d>

долзарбдир. Истеъмолчи билан унинг контрагентлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар доираси ва турларининг кенгайиб бориши, савдо, иш бажариш ва хизмат кўрсатишнинг янгидан янги кўринишларининг вужудга келаётганлиги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда янги ҳолат ва хавф-хатарларни юзага келтирмоқда. Мазкур муаммоларнинг ечими доирасида истеъмолчига зарар етказувчи шахсни идентификация қилиш, интернет тармоғидаги фирибгар сотувчи ва ижрочиларни аниқлаш, қопланиши лозим бўлган зарар таркибини белгилаш, истеъмолчининг ҳуқуқ доирасини кенгайтириш каби йўналишларни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда истеъмолчига етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш асослари ишлаб чиқилган. Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), Уй-жой кодекси (1998), «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1996), «Реклама тўғрисида»ги (1998), «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги (2002), «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги (2016), «Туризм тўғрисида»ги (2019) қонунлар қўллашда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони³, 2019 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464 сонли Фармойишида белгиланган устувор йўналишларни амалга оширилишида муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, University of Pennsylvania, University of Florida, Harvard Law School, University of Chicago, Princeton University, Yale University, Columbia University (Америка Қўшма Штатлари); University of Cambridge, Oxford University, Cornell University (Буюк Британия); University of British Columbia (Канада); Sorbonne University (Франция); University of Bergen Norway (Норвегия); Hebrew University of Jerusalem (Исроил); University of Brussels (Бельгия); Victoria University of Wellington (Янги

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2017, 6-сон, 70-модда.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.upenn.edu>; <https://www.cambridge.org>; <https://search.ox.ac.uk>; <https://www.uchicago.edu>; <https://www.princeton.edu>; <http://www.tsul.uz/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Зеландия); Санкт-Петербург давлат университети, Москва давлат халқаро муносабатлар университети, Жанубий Урал давлат университети, Белгород давлат миллий тадқиқотлар университети (Россия Федерацияси); Тошкент давлат юридик университетига (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижаларига кўра: истеъмолчиларга етказилган зарарни қоплашнинг умумҳуқуқий асослари ўрганилган (University of Pennsylvania); истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш миқдори ва уни аниқлашнинг ҳуқуқий мезонларига оид тавсиялар яратилган (University of Cambridge); истеъмолчига шартномавий муносабатларда етказилган зарарни қоплаш масалалари таҳлил қилинган (Oxford University); шартномаларни бузиш оқибатида етказилган зарарни ва неустойкани қўллашнинг нисбати тадқиқ этилган (Harvard Law School); иш бажариш муносабатларида истеъмолчига етказилган зарарни қоплашнинг ўзига хос хусусиятлари ишлаб чиқилган (University of Chicago); атроф-муҳитни ифлослантириш оқибатида истеъмолчига етказилган зарарни ундириш асослари тадқиқ этилган (Princeton University); истеъмолчига етказилган маънавий зарарни компенсация қилинадиган суммалар миқдори белгиланган (Yale University); электрон савдода истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш мақсадида жабрланган субъектларни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган (Columbia University); турли соҳаларда истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш тадқиқ этилган (Sarbonne University); товар (иш, хизмат)нинг нуқсонли сабабли истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш масалалари ўрганилган (University of Bergen Norway); истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш усуллари фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётида аниқланган (Санкт-Петербург давлат университети); истеъмолчига етказилган «маънавий зиён» тушунчасининг илмий жиҳатлари таҳлил этилган (Москва давлат халқаро муносабатлари университети); савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилган (ТДЮУ).

Ҳозирги пайтда жаҳон юриспруденциясида истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги йўналишларда қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда: истеъмолчига масофавий товар сотиш ва хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва бунда етказилган зарарни қоплаш мақсадида зарар кўрган субъектларни идентификация қилиш; зарарни қоплаш ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа чоралари ўртасидаги нисбатни аниқлаш; истеъмолчи мақомидан келиб чиқиб зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасини кенгайтириш ва шу кабилар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишининг айрим жиҳатлари мамлакатимизнинг бир қатор ҳуқуқшунос олимлари, жумладан, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, Ш.Н.Рўзиназаров, И.И.Насриев, С.Б.Бобоқулов, С.С.Гулямов, Д.М.Караходжаева, Н.Ф.Имомов, М.Х.Баратов,

И.Р.Рустамбеков, Қ.М.Мехмонов ва бошқа тадқиқотчилар ишларида у ёки бу даражада таҳлил этилган. Бевосита истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг айрим йўналишлари Н.С.Нарматов, Н.Саид-Ғазиева, Х.Бурханходжаева, У.Дўстов, Л.Ачиловалар⁵ томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатларида истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унга етказилган зарарларни қоплашнинг айрим масалалари Л.А.Шашкова, М.В.Повная, В.В.Данилов, С.Ю.Баранов, В.В.Богдан, П.А.Безлепкин, Р.С.Ғоибназаров, Л.Т.Ғибадуллина, У.С.Болтуев, О.А.Мавлоназаров⁶ ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида кенг ёритилган.

Хорижий мамлакатларда истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи Christian Campell, Stoll Heinrich, Medicus Dieter, Remy Philippe, Savaux Eric, Aubry H el ene, Magnus Ulrich⁷ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишланмаларидан истеъмолчи мақомини тадқиқ этиш, истеъмолчининг асосий ҳуқуқлари мазмуни ва уларга риоя этиш тартибини ёритишда, шунингдек истеъмолчига етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари билан боғлиқ мавзуларни очиб беришда ижодий фойдаланилди. Бироқ истеъмолчи ҳуқуқларига оид илмий манбаларнинг таҳлили истеъмолчига етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муаммолари мамлакатимизда алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш» (2020–2022) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “истеъмолчига етказилган зарар” тушунчаси, унинг миқдорини аниқлаш ва қоплаш асослари ҳамда тартибини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид илмий-амалий ғоялар ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга оид тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

истеъмолчига етказилган зарарни тадқиқ этиш ва уни қопланишини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий-методик масалаларини, зарарни қоплашга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий усул ва механизмларни қўллашга нисбатан илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш;

истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ривожланиш тенденциялари ҳамда хорижий

⁵ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

⁶ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

⁷ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

мамлакатлар қонунчилигида истеъмолчига етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишига оид илмий-амалий фундаментал назариялар асосида миллий фуқаролик ҳуқуқини ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишларни аниқлаш;

истеъмолчи билан тузилган шартномаларнинг бузилиши ҳолатини аниқлашнинг илмий-амалий таҳлили асосида шартномавий муносабатларда истеъмол зарари қопланадиган субъектларни аниқлашга нисбатан ёндашувлар ва уларнинг ифодаланишини очиб бериш;

истеъмолчига етказилган зарарни қоплашда шартномавий жавобгарликни қўллашнинг илмий-амалий таҳлилига оид концептуал жиҳатларни тадқиқ этиш;

зарар етказишдан келиб чиқадиган истеъмол муносабатларнинг иштироқчиси сифатидаги субъектнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда унинг истеъмолчи мақомини кенгайтириш ва такомиллаштириш истикболларини аниқлаш;

зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларда истеъмолчининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари таҳлилдан келиб чиқиб, истеъмолчига етказилган маънавий зиённи қоплаш муаммоларини таҳлил этиш, илмий ва амалий ёндашувларини ишлаб чиқиш;

интернет тармоғида истеъмолчи билан шартнома тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш ҳамда истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш процедураларининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштиришга оид тақриф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш асослари ва уни ундириш миқдорини белгилашга доир муаммоларнинг илмий ечимини топиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш процедураларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш процедураларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, индукция ва дедукция, тизимли-тузилмавий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, статистика маълумотлари таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг соғлиғига оид ҳуқуқини таъминлаш мақсадида энергетик ичимлик – бу инсон организми тонусини ижобий томонга ўзгартириб, таъсир кўрсатадиган муайян ўлчамдаги моддалар балансига эга бўлган ичимлик бўлиши лозимлиги асосланган;

энергетик ичимликларни харид қилиш соҳасида истеъмолчиларнинг тоифаларига нисбатан ёш цензи ўрнатилиши лозимлигидан келиб чиқиб, энергетик ичимликлар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга сотиш мумкин эмаслиги асосланган;

истеъмолчиларга энергетик ичимликни реклама қилишда мазкур ичимликнинг зарари тўғрисида огоҳлантириш ва бу ичимлик тавсия этилмайдиган фуқаролар ҳақидаги, шунингдек энергетик ичимликка оид ёлғон ҳамда истеъмолчиларни жисмоний ютуқларини оширишга ёрдам беришига оид маълумотларни ифодалашга йўл қўйилмаслиги асосланган;

истеъмолчиларнинг хавфсиз озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқини таъминлаш мақсадида жисмоний шахслар, нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг озиқ-овқатнинг сифати ва хавфсизлигига оид қондалар, талаблар устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги асосланган;

истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш назорат-касса ва онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалар орқали амалга оширилиши, савдо объекти раҳбари сотувчи-ҳодимни назорат-касса машиналарида (виртуал кассада) ишлаш қондалари билан таништириши шартлиги асослаб берилган;

товар бозорларида рақобатни чеклашга олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахснинг ҳаракатлари қонунчилиқни бузиш сифатида эътироф этилиши лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиётида “истеъмолчи” тушунчаси ва мақомини белгилаш, истеъмолчининг ҳуқуқ доирасини кенгайтириш ва аниқлаш, ҳуқуқни амалга ошириш, контрагентлар билан муносабатларда заиф томон эканлигидан келиб чиқиб, истеъмолчига қўшимча ҳуқуқ белгиланганлиги асосланган ва шу асосида истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш процедураларининг илмий-назарий ёндашувларига оид концептуал тавсиялар ишлаб чиқилган;

шартномавий муносабатларда истеъмолчига етказилган зарарни ҳисоблаш ва ундириш бошқа фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари ўртасидаги нисбатдан келиб чиқиб, истеъмолчи контрагентига нисбатан чекланган жавобгарлик қўлланилиши асосланган, бироқ бу ўринда маънавий зарар алоҳида ҳисобланиши лозимлиги шакллантирилган ва шартномавий муносабатларда истеъмолчига етказилган зарарни қоплашга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

деликт муносабатларида истеъмолчи мақоми, нуқсонли товар (иш, хизмат) сотилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаёти ва соғлиғи ҳамда мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш миқдори ва ҳажми ҳамда муддатларни қўллашга оид қонун ҳужжатлари меъёрларини унификациялаштириш, сифатсиз товар оқибатида етказилган зарарни қоплашга нисбатан турли хилдаги ёндашувларни бирхилликка хизмат қилувчи концептуал тавсиялар илгари сурилган;

интернет тармоғида истеъмолчи билан тузилган шартномаларнинг бажарилмаслиги оқибатида етказилган зарарни қоплаш, масофавий ва электрон савдо майдончалари орқали истеъмолчиларга товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга оид тақлифлар ишлаб чиқилган;

мамлакатимизда истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, шунингдек мазкур соҳани ҳуқуқ доирасида ўрганиш ва тараққиёт йўналишларини белгилаш мақсадида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» янги мажмуа ҳуқуқ институти сифатида асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқшунослар орасида ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асосланган, статистика маълумотларини таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, тақлиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, тақлиф ва тавсиялар келгусидаги илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда манба сифатида қўллашга ҳамда фуқаролик ҳуқуқи ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий изланишлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг соғлиғига оид ҳуқуқини таъминлаш мақсадида энергетик ичимлик – бу инсон организми тонусини ижобий томонга ўзгартирувчи таъсир кўрсатадиган муайян ўлчамдаги моддалар балансига эга бўлган ичимлик ҳисобланиши тўғрисидаги тақлиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 январдаги ЎРҚ-514-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 27 январдаги 06/1-05/67-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф истеъмолчиларнинг турли хилдаги қувватлантирувчи ичимликларнинг хавфсизлиги ва сифатига бўлган ҳуқуқини таъминлаш билан бирга, энергетик ичимликларга нисбатан аниқ талабларни белгилаш асосида истеъмолчиларга етказилган зарар миқдорини аниқлашга хизмат қилган;

энергетик ичимликларни харид қилиш соҳасида истеъмолчиларнинг тоифаларига нисбатан ёш цензи ўрнатилиши лозимлигидан келиб чиқиб, энергетик ичимликлар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга сотиш мумкин эмаслигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 январдаги ЎРҚ-514-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 27 январдаги 06/1-05/67-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф ўн саккиз ёшга тўлмаган жисмоний шахсларга энергетик ичимликларини реализация қилишга йўл қўйилмаслигини белгилаш орқали, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қўшимча қафолатларни белгилаш ҳамда шу соҳадаги ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга нисбатан истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя этиш бўйича қўшимча масъулиятни юклашга имкон яратган;

истеъмолчиларга энергетик ичимликни реклама қилишда мазкур ичимликнинг зарари тўғрисида огоҳлантириш ва бу ичимлик тавсия этилмайдиган фуқаролар ҳақидаги, шунингдек энергетик ичимликка оид ёлғон ҳамда истеъмолчиларни жисмоний ютуқларини оширишга ёрдам беришига оид маълумотларни ифодалашга йўл қўйилмаслигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 январдаги ЎРҚ-514-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 27 январдаги 06/1-05/67-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф энергетик ичимликларни реклама қилиш шартлари ва тартибини белгилаш ҳамда реклама жараёнида қандай ҳолатларга йўл қўйилмаслиги бўйича қатъий талабларни ифодалашга хизмат қилган;

истеъмолчиларнинг хавфсиз озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқини таъминлаш мақсадида жисмоний шахслар, нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг озиқ-овқатнинг сифати ва хавфсизлигига оид коидалар, талаблар устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эгаллигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9

январдаги ЎРҚ-514-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 27 январдаги 06/1-05/67-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф истеъмолчиларнинг сифатли ва хавфсиз озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқини таъминлашда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини яратишга хизмат қилган;

истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш назорат-касса ва онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалар орқали амалга оширилиши, савдо объекти раҳбари сотувчи-ҳодимни назорат-касса машиналарида (виртуал кассада) ишлаш қоидалари билан таништириши шартлиги тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитасининг 2021 йил 5 мартдаги 159/02-11-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф товар сотиб олишда истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш тизимини аниқлаш ва тартибга солиш орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини таъминлашга имкон берган;

шахснинг товар бозорларида рақобатни чеклашга олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларига юридик баҳо беришга оид таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 29-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 15 ноябрдаги 11-76-21-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф истеъмолчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузишга олиб келадиган ноқонуний ҳолатларни бартараф этишнинг ҳуқуқий асосларини кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синондан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 11 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 237 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижаси, изланиш натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг «Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг юридик тавсифи» деб номланган биринчи бобида истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий-методик масалалари, истеъмолчига етказилган зарарни қоплашга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий усул ва механизмларни қўллашга оид илмий ёндашувлар таҳлили, истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ривожланиш тенденциялари, хорижий мамлакатлар қонунчилигида истеъмолчига етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил қилинган.

Муаллифнинг таъкидлашича, зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал усулларида бири саналади. Айни пайтда бу усул фуқаролик ҳуқуқининг компенсаторлик функцияси бажарилишини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Зарарни қоплаш орқали шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланади ва унинг мулкий манфаатлари таъминланади. Шу сабабли зарарни қоплаш зарар етказувчига нисбатан ўзига хос мулкий санкция сифатида қўлланилади. Қолаверса, зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқининг муҳофаза қилиш (қўриқлаш, ҳимоялаш) функциясида асосий ва марказий ўринни эгаллайдиган усул саналади. Шу жиҳатдан фуқаролик ҳуқуқи субъектларига, шу жумладан, истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш ҳам муҳофаза қилиш функциясининг бажарилишига хизмат қилади.

Диссертацияда ҳуқуқшунос олимлар (В.Ф.Яковлев, А.Я.Рыженков, Н.Ф.Имомов, И.А.Власеко)нинг ишлари таҳлил қилиниб, истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш унинг бузилган ҳуқуқини тўлиқ тиклаш билан бирга, жавобгарлик чораси сифатида ҳуқуқбузарга нисбатан қўшимча мулкий санкцияларни юклаши мумкинлиги, бунда истеъмолчига “зарар етказилиши” тушунчаси фуқаролик ҳуқуқида амал қиладиган шартномали ва деликт мажбуриятлардаги «зарар етказилиши»дан фарқли жиҳатларга эгаллиги ҳусусида ҳулосага келинади. Шунингдек, тадқиқотчининг қайд этилишича, истеъмолчига етказилган зарарни қоплашнинг компенсаторлик функцияси қонун чиқарувчи ва истеъмолчи учун ўзига хос “мўлжал”

саналади ва мазкур “мўлжал”га мувофиқ истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар қабул қилинади, бу борадаги фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш йўналишлари белгиланади, ҳуқуқни реализация қилиш жараёнлари амалга оширилади.

Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш истеъмолчининг бузилган ҳуқуқини тиклаш, унинг мулкий манфаатларига қаратилган компенсаторлик ҳам қонунчиликда тегишли механизмларни белгилаш орқали таъминланади. Бунда фуқаролик ҳуқуқининг учта функцияси: тартибга солиш, тиклаш, компенсаторлик асосий ўрин тутса, кўриклаш, муҳофаза қилиш ва ҳимоялаш функциялари кўшимча вазифани белгилайди ва айна пайтда комплекс тусга эга бўлган ҳуқуқий тартибга солиш функциясини тўлдиришга хизмат қилади. Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашда ўзига хос жиҳат сифатида шахснинг истеъмолчилик мақоми инобатга олиниб, қонун нормаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот ишида истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимидаги бўшлиқлар ҳамда илмий-ҳуқуқий тафаккурнинг бугунги ривожланиш даражасидаги ёндашувлар истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги муаммоли ҳолатларни юзага келтириши таъкидланади. Бугунги кунда интернет тизимининг, электрон тижорат ва электрон савдонинг жадал ривожланиши истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг усул ва механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Зеро, эндиликда ФКнинг 11-моддаси ва бошқа нормаларида назарда тутилган ҳуқуқий ҳимоя усуллари етарли даражада истеъмолчи ҳуқуқи ҳимоясини таъминлай олмайди. Шу сабабли диссертацияда интернет тизимининг, электрон тижорат ва электрон савдо соҳасида истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий тартибга солиш восита ва механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилади.

Диссертацияда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид БМТ резолюциялари ва Европа Иттифоқининг шу борадаги директивалари таҳлил қилиниб, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмини янги таҳрирда баён этиш таклиф этилади. Шунингдек, тадқиқот ишида сотувчининг касса чеки ёки харид амалга оширилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни низо вужудга келганда истеъмолчига тақдим этиши лозимлиги хусусида уни хабардор этишга оид қонун «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси иккинчи қисмига охириги банд сифатида киритиш ғояси илгари сурилган.

Ишда бир қатор хорижий давлатлар (Австрия, АҚШ, Германия, Швеция, Италия, Франция, Исроил, Буюк Британия)нинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилиниб, қуйидаги, яъни:

- ривожланган мамлакатлар билан таққослаганда ўзбекистонлик истеъмолчиларнинг фуқаролик фаоллиги пастлиги товарлар ва хизматлар ҳақидаги, хусусан истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

тўғрисида зарур, қулай, ишончли, тўлиқ ва ўз вақтида маълумотлар мавжуд эмаслиги ёки танқислиги билан боғлиқ эканлиги;

- истеъмолчиларга товар ва хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида маълумот берадиган мустақил ва нуфузли ихтисослаштирилган нашрларнинг етишмаслиги ва оқибатда ўзбекистонлик истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқлари ва имкониятлари ҳамда уларни амалга оширишдан хабардорлиги пастлиги;

- истеъмолчилар қонунчилиги ва унинг бажарилишини таъминловчи институтлар таркибида номувофикликлар мавжуд эканлиги қайд этилган.

«Шартномавий муносабатларда истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни такомиллаштириш» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида истеъмолчи билан тузилган шартномаларнинг бузилиши ҳолатини илмий-амалий таҳлили, шартномавий муносабатларда истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш процедурасига оид зарар кўрувчи субъектларни аниқлашга нисбатан ёндашувлар ва уларнинг ифодаланиши, истеъмолчига етказилган зарарни қоплашда шартномавий жавобгарликни қўллашнинг илмий-амалий таҳлили амалга оширилган.

Истеъмолчи иштирокидаги шартномаларда ишлаб чиқарувчилар, сотувчи (пудратчи ёки ижрочи)лар зиммаларидаги мажбуриятни белгиланган шартлар ва талаблар асосида бажариши орқали истеъмолчининг шахсий, маиший ва тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган ўзга эҳтиёжлари таъминланади. Ҳозирги кунда чакана савдо соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тартибга солувчи қатор қонун ҳужжатлари амал қилса-да, лекин улар муайян изчилликка эга ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали қўлланилмоқда, деб бўлмайди.

Кейинги пайтларда фан, техника ҳамда технологияларнинг ривожланиши натижасида савдода мураккаб технологияга эга товарлар турининг кўпайишига олиб келмоқдаки, кўп ҳолларда бундай товарларнинг ишлаш тизими ва хусусиятларидан ҳаттоки сотувчиларнинг ўзлари ҳам хабардор эмаслар. Истеъмолчи эса бундай товарларни фақат айрим функцияларини ишлатишни билади, холос. Бу товарлардан фойдаланишга оид йўриқномалар эса кўп ҳолларда мавжуд эмас, бўлганлари ҳам давлат тилида эмас. Натижада бундай ҳолатлар истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилишига олиб келмоқда.

Ишда ҳуқуқшунос олимлар (Е.А.Талабаев, Д.И.Медведева, Ш.Б.Мустафаев)нинг фикрлари ҳамда хорижий мамлакатлар (Германия, Франция, Россия Федерацияси)нинг ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси таҳлил қилиниб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун қўлланиладиган шартномавий жавобгарликнинг фуқаролик ҳуқуқида туган ўрни борасида айрим ёндашувлар, яъни:

– шартномавий жавобгарликни фуқаролик ҳуқуқи умумий қисмининг институти ҳисобланган умумий фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг таркибий бир қисми сифатида эътироф этиш;

– жавобгарлик шартлари ва асоси алоҳида тартибга солинадиган, зарарни қоплаш тўғрисидаги қоидалар умумий қисмга ўтказиладиган табақалаштирилган ёндашув;

– шартномавий жавобгарликни ҳуқуқий ҳимоянинг бошқа воситаларидан ажратмаслик, бунда шартнома бузилиши ва унинг оқибатларини комплекс тартибга солиш мавжудлиги таъкидланади.

Кейинги йилларда интернет ва электрон тижорат тармоқлари орқали масофавий чакана савдо кенг ривожланди ва тарқалди. Бу эса, айти пайтда, сотувчининг шахсини ва унга нисбатан истеъмолчиларнинг талабини қўйишда унинг манзилени аниқлаш муаммосини юзага келтирмоқда. Масофавий усулда тузилган чакана олди-сотди шартномаси субъектив таркибининг ўзига хос хусусияти сифатида ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, масофавий чакана савдо фаолиятини амалга ошираётган ҳар қандай юридик шахс ҳамда яқка тартибдаги тадбиркор иштирокини кўрсатиш мумкин.

Масофавий чакана олди-сотдида истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга. Сотувчининг ўзи ва товар ҳақидаги тўлиқ, зарурий ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги қонунчилик талабига сўзсиз риоя этиш билан бирга, масофавий олди-сотди билан боғлиқ муаммоларнинг яна бир ечими товарларни масофавий усулда сотиш фаолиятини мажбурий лицензиялаш ҳисобланади.

Мазкур масалаларнинг ҳуқуқий ечимини топиш ва истеъмолчи ҳуқуқларини таъминлаш кўламини янада кенгайтириш ҳамда соҳадаги бўшлиқларни тўлдириш учун Фуқаролик кодексига «масофавий шартнома» номли алоҳида бобни киритиш ва унда «масофавий шартнома» тушунчаси, мазкур шартноманинг муҳим шартларини белгилаш, бу шартнома бўйича сотувчи томонидан тақдим этиладиган таклифлар ва улар бўйича маълумотларни тақдим этиш усули, сотиб олувчининг ҳуқуқлари, тарафларнинг жавобгарлиги каби нормаларни ифодалаш лозим бўлади. Қолаверса, муаллиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари»га илова сифатида “Товарларни масофавий усулда сотиш қоидалари”ни қабул қилишни таклиф этади. Тадқиқотчининг фикрича, бу қоидаларда товарларни масофавий сотувчиларга қўйиладиган талаблар, улар фаолиятини лицензиялаш талаблари, масофавий савдони амалга оширишнинг усуллари ва тартиби, сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, харидорга тақдим этиладиган маълумотлар, товарларни масофавий сотишни ташкил этувчилар: ишлаб чиқарувчи, сотувчи, тарқатувчилар, дилер ва дистрибьюторларнинг жавобгарлиги масалалари белгиланиши лозим.

Ишда фрилансерлар томонидан иш бажариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларида истеъмолчиларга етказилган зарарларни қоплаш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилиниб, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида унинг иштирокидаги шартномаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб белгиланадиган ва

истеъмолчи ҳуқуқлари бузилганда унга етказилган зарар қопланишини назарда тутадиган шартномавий-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари алоҳида ўрин тутеди. Кўп ҳолларда жавобгарлик истеъмолчига шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида истеъмолчи контрагентига юкланадиган мажбуриятларни муддатида таъминламасликдан келиб чиқади.

Диссертациянинг «Истеъмолчига зарар етказилганда унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари» деб номланган учинчи бобида истеъмолчининг зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатлар субъекти сифатидаги мақомининг илмий-амалий тавсифи, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларда истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқи усуллари таҳлили, истеъмолчига етказилган маънавий зиёни қоплаш муаммолари: илмий ва амалий ёндашувлар, истеъмолчининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатларда истеъмолчи мақомини аниқлашда бир қатор хорижий мамлакатлар (Хитой, Малайзия, Покистон, Вьетнам, Ҳиндистон, Непал, Корея Республикаси, Филиппин)нинг қонунчилик тажрибаси ўрганилади. Муаллифнинг фикрича, истеъмолчининг махсус ҳуқуқий мақоми фуқаро умумий ҳуқуқий мақомининг ҳуқуқ нормалари томонидан юридик аниқланадиган ажралмас қисми ҳисобланади. Истеъмолчининг махсус ҳуқуқий мақоми – бу истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мажмуи, шунингдек ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш кафолати уларни ҳимоялашнинг алоҳида фуқаролик-ҳуқуқий механизмларини назарда тутиш йўли билан белгиланишидир.

Ишда ҳуқуқшунос олимлар (И.А.Михайлова, Р.Ж.Матқурбанов, Ҳ.Р.Раҳмонкулов, С.Д.Радченко, В.В.Ровный)нинг фикрлари таҳлил қилиниб, истеъмолчининг махсус ҳуқуқий мақоми – бу жисмоний шахс умумий фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг намоён бўлиши бўлиб, у фуқаро томонидан шахсий, маиший, оилавий ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжларни қондириш учун товар (иш, хизмат)ларни сотиб олиши (сотиб олиш ниятида экани, фойдаланиши) жараёнида реал ёки бўлғуси контрагент билан иктисодий ва ҳуқуқий нотенгликни бартараф этиш учун қўшимча ҳуқуқларни қўлга киритишида, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуида, шунингдек ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатларини уларнинг ҳимоя қилишнинг алоҳида фуқаролик-ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш йўли билан назарда тутилишида ифодаланади, деган хулосага келинади.

Шунингдек, истеъмолчининг зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатлардаги иштирокига доир бир қатор муаллифлар (Л.Т.Гарвин, Л.Б.Ситдикова, А.В.Белов, Ю.Н.Мулина, И.В.Кирюшина)нинг қарашлари ўрганилган ва товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари оқибатидан келиб

чиқадиган зарар етказиш муносабатларида истеъмолчи мақомига ҳар доим жисмоний шахс эга, бироқ зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига жисмоний шахс билан бирга, юридик шахс ҳам ҳақли деган фикрга келинган.

Шартномавий муносабатларда бўлгани каби зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларда ҳам жисмоний шахснинг истеъмолчилиги ҳуқуқий муносабатда иштирок этиш мақсадидан келиб чиқади. Қоида тарикасида, деликт мажбуриятларида шахс товарнинг нуқсони оқибатида зарар юзага келганда, жисмоний шахс истеъмолчи мақомига эга бўлади. Чунки, бу ҳолатда у зарар етказиш объектини (*corpus delicti*) истеъмол мақсадларида сотиб олган, деб эътироф этилади. Шу сабабли, мазкур ҳолатларда истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг дастлабки ва энг муҳим усули етказилган зарарни қоплаш саналади.

Истеъмолчига зарур ахборотни бермаслик, хизмат сифатининг белгиланган талабларга мос келмаслиги, нотўғри ахборотни тақдим этиш натижасида етказилган маънавий зиён истеъмолчининг талаби билан қониқтирилади. Бунда истеъмолчи ўзининг маънавий зарарлаганлиги ва жисмоний азоблари хусусида тегишли маълумотни тақдим этиши ёки руҳиятидаги салбий ўзгаришлар хусусида ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Бу ҳолат соғлиғидаги салбий ўзгаришлар хусусида тиббий маълумотнома ёки ўзининг маънавий зарар кўрганлиги хусусида муайян асосли далил тақдим этиши лозим.

Маънавий зарар учун компенсация миқдорини белгилашда юқорида санаб ўтилган мезонлар (айб ва азобларнинг хусусияти) билан бирга, адолатлилик ва оқилоналик ҳам ҳал қилувчи омил саналади. Амалдаги қонунчиликда адолат ва оқилоналик мезонига таъриф берилмаган. Чунки, бу тушунчаларни ҳар бир киши ўзининг дунё ва жамият борасидаги тасавурларидан келиб чиқиб, талқин этади. Бинобарин, бу тушунчаларнинг чегараси, доираси ва ўлчами йўқ. Бироқ маънавий зиёни ундириш миқдорини белгилашда ушбу тушунчаларни талқин этиш ва қўллашга нисбатан муайян ёндашувни ишлаб чиқиш зарур. Зеро, суд ишни кўриш жараёнида бу категорияларга баҳо берган ҳолда, маънавий зиён учун компенсация миқдорини аниқлайди. Шу сабабли “адолатлилик” ва “оқилоналик” тушунчаларининг талқин этилиши бўйича тегишли тавсияларнинг мавжуд бўлиши судларнинг бу борадаги ёндашувлари бир хил бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш: назарий ва амалий масалалар»ига бағишланган бўлиб, интернет тармоғида истеъмолчи билан шартнома тузиш ва унинг бажарилишини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари, интернет тармоғида тузилган шартномалар орқали истеъмолчига етказилган зарарни қоплашнинг халқаро тажрибаси, интернет тармоғида тузилган шартномалар орқали истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Интернет орқали истеъмолчиларга савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш, бунда тегишли шартномани тузиш, аввало, муайян маълумотларни тақдим этишдан бошланади. Бунда сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи товарларни масофавий сотиш шартномасини тузишдан олдин товар тавсифини каталоглар, флаерлар, буклетларда ёки фотосуратларни тақдим этиш йўли билан ёхуд почта, электрон алоқа воситалари, шунингдек интернет тармоғи орқали истеъмолчига етказади. Бундан ташқари, масофавий савдо ва хизмат кўрсатишда телеканаллар орқали товарнинг ишлаши, хусусиятлари, фойдаланиш коидаларини кўрсатиш йўли билан ҳам истеъмолчиларга товар ва унинг ишлаб чиқарувчиси ҳақида маълумот бериб, телефон орқали буюртмани қабул қилиш йўли билан шартнома тузилиши мумкин. Бундай савдо ва хизмат кўрсатишнинг муҳим хусусияти истеъмолчининг бевосита товарни уни олгунга қадар кўздан кечириш имконига эга бўлмаслиги саналади. Битим тузар экан, истеъмолчи ҳам, сотувчи ҳам бевосита «жонли» учрашмайди ва бир-бирлари билан «қўришмайди». Битим тузиш электрон шаклда, қоидага кўра, сотувчининг махсус интерфаол веб-сайти (Интернет магазини) жойлаштирилган оммавий офертани акцептлаш йўли билан амалга оширилади.

Тадқиқотда ҳуқуқшунос олимлар (И.Р.Рустамбеков, М.Е.Грабилина, Т.Ю.Кулик)нинг фикрлари таҳлил қилиниб, Интернет орқали истеъмолчиларга товар (иш, хизмат) сотиш шартномасини тузишда контрагентни аниқлашнинг тўлиқ имкони мавжуд бўлиши кераклиги ғояси илгари сурилади ва уни таъминлаш механизмлари ёритилади. Интернет орқали шартнома тузиш йўли билан товар ва хизматларни сотиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни учта босқичга бўлиш мумкин: махсулотни сотишдан олдинги босқич, сотиш жараёни босқичи ва сотишдан кейинги босқич.

Интернет орқали истеъмолчиларга товар ва хизматларни сотиш шартномасини тузиш жараёни бир қадар осон ва қулай бўлиши билан бирга, мазкур шартномалар бажарилишини таъминлаш масаласи бирмунча мураккаб ва қийин ҳисобланади. Бунда анъанавий мажбуриятлар ижросини таъминлаш усуллари ҳисобланган жарима, гаров, ушлаб қолиш, кафилик, кафолат билан бирга, бошқа усуллар, масалан, суғурта, ҳолатлар ҳақида кафолатлар, қутилмаган зарарларни қоплаш тўғрисида шартномага шарт киритиш кабиларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, интернет орқали истеъмолчи билан тузилган шартномада сотувчи ва хизмат кўрсатувчи томонидан мажбурият бажарилишини энг муҳим усули сифатида истеъмолчи томонидан ҳақ товар топширилгани ва хизмат кўрсатилганидан кейин тўланиши ҳисобланади. Мазкур усул сотувчи ва истеъмолчининг энг асосий мажбурияти — товарни топшириш ва хизмат кўрсатиш яқунланганидан кейин амал қилади ҳамда бу ҳолат интернет орқали шартнома тузаётган истеъмолчи учун ўзига хос кафолат бўлиб хизмат қилади.

Истеъмолчиларнинг «пассив» ва «фаол»га бўлиниши Интернет орқали тузилган истеъмолчи иштирокидаги шартномаларга нисбатан қанчалик татбиқ этиш мумкин ва мумкин бўлса, бундай татбиқ қандай доирада бўлиши зарурлиги борасида ҳуқуқий ҳолат учта гуруҳга бўлинади. Муаллифларнинг биринчи гуруҳи Интернетдаги истеъмолчиларни ҳар доим «пассив» деб ҳисоблайдилар. Бу муаллифлар истеъмолчиларни максимал даражада ҳимоялаш тарафдоридирларидир. Муаллифлардан бири Интернетдан фойдаланадиган тадбиркорларни «анъанавий» тадбиркорлардан ажратган ҳолда муносабатда бўлмаслик кераклиги ва Интернетда истеъмолчиларга нисбатан ҳимоя режимининг татбиқ этилмаслиги, электрон тижорат учун имтиёзларни яратилиши ва натижада эркин бозор ва адолатли рақобатга зид бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Муаллифларнинг иккинчи гуруҳи истеъмолчи ҳар доим «фаол» ва махсус ҳимоя режимига талабгор бўлишга ҳақли эмас, деб ҳисоблайди. Истеъмолчи сайтларга мақсадли равишда ташриф буюради, бундан ташқари, Интернетда товарларни қидириш маълум тажрибани талаб қилишини таъкидлайди.

Учинчи гуруҳ муаллифлари «нейтрал» нуқтаи назарга эга ва бу масалада ўз-ўзидан махсус ҳимоя берилиши мумкин эмас, деб ҳисоблашади. Улар ҳар бир ҳолатда вазиятни текширишни ёқлашади. Ушбу муаллифларнинг баъзилари истеъмолчиларни ўз-ўзидан «фаол» ёки «пассив» деб малакалаш мумкин эмаслигини айтиб, сайт эгалари истеъмолчиларни жалб қилиш учун фойдаланадиган баъзи усуллар, хусусан, истеъмолчиларни бошқа сайтларга, кўпинча уларнинг хоҳишига зид равишда йўналтирадиган баннерлардан фойдаланишни таъкидлайдилар.

Сўнги йилларда алоқа тармоқларининг ривожланиши ва хилма-хиллиги ўсиши билан бир қаторда, электрон тижоратдан фойдаланиш кўпаймоқда. Электрон тижорат алоқа тармоқлари инфратузилмасига боғлиқ ҳолда кенгайиб, электрон бизнеснинг пайдо бўлишига олиб келади. Харидорлар билан таққослаганда, электрон тижорат сайти мавжуд дўконлар сонини кўпайтириш билан боғлиқ иккита катта афзалликларга эга: бир томондан, маҳсулот сотиб олиш вақтини қисқартиради, бошқа томондан, таълаш эркинлигини оширади.

Интернет тармоғида тузилган шартномалар орқали истеъмолчига етказилган зарарни қоплашда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш асосан зарар етказувчи шахсини аниқлаш ва у билан тузилган шартноманинг ўзгартирилмаслигини таъминлаш билан изоҳланади. Ушбу масаланинг ечими эса бевосита интернет провайдерларнинг фаолияти ва масъулияти билан боғлиқдир. Қолаверса, етказувчи шахсини аниқлаш ва у билан тузилган шартноманинг ўзгартирилмаслигини таъминлаш муҳим саналади. Ушбу масаланинг ечими сифатида ФКнинг 429-моддасини «Товарни намуна бўйича сотиш ва товарни сотишнинг масофавий усули» деб номлаш ва уни янги тахрирда ифодалаш мақсадга мувофиқлиги асослангандир.

ХУЛОСА

Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мавзусини тадқиқ этиш натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ҳам истеъмолчининг бузилган ҳуқуқини тиклаш ҳам унинг мулкӣ манфаатларига қаратилган компенсаторлик ҳам қонунчиликда бунинг учун тегишли механизмларни белгилаш орқали таъминланади. Бунда фуқаролик ҳуқуқининг учта функцияси: тартибга солиш, тиклаш, компенсаторлик асосий ўрин тутса, қўриқлаш, муҳофаза қилиш ва химоялаш функциялари қўшимча вазифани белгилайди ва аини пайтда комплекс тусга эга бўлган ҳуқуқий тартибга солиш функциясини тўлдиришга хизмат қилади. Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашда ўзига хос жиҳат сифатида шахснинг истеъмолчилик мақоми инобатга олинishi ва қонун нормаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда мазкур ҳолат инобатга олинishi мақсадга мувофиқдир.

2. Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш тизимидаги бўшлиқлар ва қонунчиликни қўллашдаги турли ёндашувлар мавжудлиги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилишдаги муаммоли ҳолатларни юзага келтиради. Зеро, эндиликда ФКнинг 11-моддаси ва бошқа нормаларида назарда тутилган ҳуқуқий химоя усуллари етарли даражада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари химоясини таъминлай олмайди. Бугунги кунда интернет тизимининг, электрон тижорат ва электрон савдонинг жадал ривожланиши истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилишнинг усул ва механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

3. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун қўлланиладиган шартномавий жавобгарликнинг фуқаролик ҳуқуқида тутган ўрни борасида айрим ёндашувларни, яъни:

– шартномавий жавобгарликни фуқаролик ҳуқуқи умумий қисмининг институти ҳисобланган умумий фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасининг бир қисми сифатида эътироф этиш;

– жавобгарлик шартлари ва асоси алоҳида тартибга солинадиган, зарарни қоплаш тўғрисидаги қондалар умумий қисмга ўтказиладиган табақалаштирилган ёндашув;

– шартномавий жавобгарликни ҳуқуқий химоянинг бошқа воситаларидан ажратмаслик, бунда шартноманинг бузилиши ва унинг оқибатларни комплекс тартибга солиш қабиларни ажратиш мумкин.

4. Масофавий чакана савдода товарни сотувчи билан бирга, “тарқатувчилар” деб номланадиган ва товарларни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ҳолда каталоглар бўйича реализация қиладиганлар ҳам мавжуд, масалан, парфюмерия-косметика маҳсулотларини сотишда сотувчи бўлиб “тарқатувчи” жисмоний шахслар фаолият олиб

бориши мумкин. Бунинг оқибатида сотиб олувчи истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган кафолатлардан маҳрум бўлиб қолади. Бундан ташқари, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ёки “Чакана савдо қоидалари”да товарларни масофавий сотувчиларга нисбатан тегишли талаблар белгиланмаганлиги ҳам бу борадаги бўшлиқни кўрсатади. Мазкур бўшлиқни тўлдириш мақсадида қонунчиликда бундай субъектларнинг мақоми ва улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асослари белгиланиши лозим.

5. Истеъмолчи иштирок этадиган иш бажариш муносабатлари доирасини кенгайтиришни, фрилансерлар томонидан иш бажариш ва хизмат кўрсатишда фуқаро-бўйртмачи истеъмолчи мақомига эга бўлишини тақозо этади. Фрилансерлар томонидан бажариладиган ишлар ва кўрсатилган хизматлар, қолаверса, улар фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиб бу тоифадаги шахсларнинг бўйртмачилар билан ҳуқуқий алоқаларини алоҳида қонун ҳужжати доирасида тартибга солиш зарурати юзага келади. Бунда фрилансерлар фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиш лозим.

6. Истеъмолчи шартномаси – ижтимоий йўналтирилганлигига мос равишда қонунчилик билан махсус тартибга солинган, тадбиркорлик ёки бошқа даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланувчи шахс (сотувчи, ижрочи) билан товарлар (ишлар, хизматлар) хусусиятлари ва жиҳатлари соҳасида махсус билимларга эга бўлмаган бошқа шахс (истеъмолчи) ўртасида товарларни (ишларни, хизматларни) тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланиш мақсадида сотиб олиш тўғрисидаги битим бўлиб, бунда улар манфаатларига путур етказилган тақдирда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус императив белгиланган тартиби амалга оширилади.

7. Интернет тармоғида истеъмолчига товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатиш шартномаларини тузиш ва бажаришда сотувчи ва хизмат кўрсатувчини идентификация қилиш, товар ҳақи товар топширилганидан кейин тўланиши, нуқсонли товарни алмаштириб беришга нисбатан кафолатлар, товарни синов муддати билан бирга сотиш каби ҳуқуқий механизмлар орқали таъминланиши мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳуқуқий механизмларнинг амал қилиши Интернетда тузилаётган шартномаларга нисбатан ишонччи орттириш билан бирга истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилади.

8. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларидан бири бўлган ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилганлик учун ЎзМЖТКга худди автотранспорт воситалари йўл ҳаракати қоидаларини бузганликлари учун давлатга тўланадиган жарималарнинг бир қисми жамоатчилик назорати сифатида қоидабузарлик ҳолати гувоҳи бўлган шахс томонидан тегишли назорат органига маълум қилганлиги учун мазкур шахсга тўлаб берилиши белгилангани сингари, истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари ҳақида маълум қилган шахс, яъни истеъмолчига ҳуқуқбузар тўлайдиган жариманинг бир қисмининг берилишини таъминловчи ҳуқуқий механизмни

киритиш лозим. Истеъмолчи ҳам назоратчи, ҳам жариманинг бир қисми эвазига бузилган ҳуқуқларига компенсация олувчига айланиши керак. Мазкур ҳуқуқий механизм комплекс тус касб этади ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

9. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини олдини олиш мақсадида, ўрнатилган халқаро стандартларни миллий-ҳуқуқий майдонга жорий этиш зарур. Ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, иш ва хизматларни кўрсатувчилар барчаси халқаро эътироф этилган стандартлар асосида фаолият юритишини таъминлашга эришиш талаб этилади. Бу стандартларга ҳар қандай товарлар, айниқса, озик-овқат, дори-дармон ва парфюмерия соҳасида қатъий риоя этилиши лозим. Зеро, инсоннинг биологик мавжудот сифатидаги истеъмоли билан боғлиқ товарлар халқаро даражада ўрнатилган ва инсон соғлиғига зарар етмайдиган стандартларга мос равишда ишлаб чиқиши лозим.

10. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг янги асри (онлайн, ўзини ўзи тартибга солиш ва шу кабилар) бошланди. Ушбу принципал нуқтаи назардан келиб чиқиб мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш ва янги қонунларни қабул қилиш лозим. Жумладан, масофавий савдо ва хизмат кўрсатиш, телевизион дўкон, электрон шартнома орқали истеъмол мақсадлари учун товар (хизмат)лар харид қилиш соҳасида истеъмолчи ва сотувчи (хизмат кўрсатувчи) ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга оид қонунчиликни яратиш зарурати мавжуд. Бунда онлайн савдонинг ҳуқуқий асосларига бағишланган Ҳукумат даражасидаги Низомни қабул қилиш зарур. Ушбу Низомда онлайн савдоларда истеъмолчи ҳуқуқларининг кафолатлари, мазкур савдо билан шуғулланувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблар, истеъмолчи ҳуқуқларини бузганлик учун аниқ жавобгарлик чоралари акс этиши ўринлидир.

11. Сунъий интеллект орқали савдо ва хизмат кўрсатиш кенг қўлланилмоқда. Айнан сунъий интеллект орқали товарларни сотиш ва етказиб бериш фаолиятини юритадиган Alibaba, Uber, Yandex taxi ва бошқа йирик ва майда онлайн савдо ва хизматларни амалга оширувчилар ундан фойдаланмоқда. Жумладан, компьютер инсон омилисиз стандарт ҳолатларда буюртмаларни қабул қилиш, товарлар (хизматлар) билан таъминлаш, шунингдек, шикоятларни қабул қилиш ва таҳлил қилиш, зарарни тўлаб бериш ва унинг оқибатларини бартараф этиш каби функцияларни амалга оширмоқда. Виртуал маконда онлайн савдога ўз товар ва хизматларининг офертасини жойлаётганларни саралаб истеъмолчилар ҳуқуқларини доимий бузаётган, зарар келтираётган сотувчи ва ижрочиларни виртуал савдо майдончасидан чиқариб юбориш ва блоклаш амалиётини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, тажовузкор истеъмолчиларни ҳам буюртмачиларнинг қора рўйхатига қўшиб қўйиш каби ўзига хос “фильтр”ни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

12. Истеъмолчилар ҳуқуқларини қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида бузадиган ва уларга зарар етказадиган ишлаб чиқарувчи(сотувчи)лар, хизмат кўрсатувчилар бозорга тақдим этаётган товар(хизмат)лари реклама ёки бошқа шаклда тақдим этилган офертага мос келиши ҳамда шу каби товар

(хизмат)ларга нисбатан ўрнатилган стандартларга мос келиши ва бошқа хусусиятлари ҳақидаги истеъмолчилар томонидан ижтимоий тармоқларда бўладиган муҳокамалар ва баҳоларга нисбатан истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлашга маъсул бўлган давлат назорат органлари ҳамда нодавлат ташкилотларнинг қонуний баҳо бериш ва муносабат билдириш тизими ва ҳуқуқий механизми яратилиши зарур. Бундай муносабат расмий равишда билдирилиши ва кейинчалик давлат органлари томонидан ҳуқуқий таъсир чорасини кўрсатиш учун асос бўлиши лозим.

13. Истеъмол бозорида монополист ташкилот ҳисобланган ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва хизмат кўрсатувчилар томонидан истеъмолчи ҳуқуқлари бузилганда ёки истеъмолчиларнинг кенг қатлами манфаатларига салбий таъсир кўрсатадиган товарлар ишлаб чиқарилиши ёки товарларни харид қилиш шартлари ўзгартирилишида истеъмолчиларнинг жамоавий даъволарини қабул қилишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш ҳамда бундай даъволарни давлат божи тўловидан озод қилиш зарур. Қолаверса, истеъмолчиларнинг кенг қатлами манфаатларини бузадиган ҳаракатлари учун монополист ташкилотларга нисбатан молиявий санкцияларни жорий этиш ва ушбу ташкилотларининг бундай қарорларини бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш мақсадга мувофиқдир.

14. Номуайян доирадаги истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши юзасидан турли нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларига мурожаат қилинганда қўлланилган тегишли оммавий санкцияларнинг муайян миқдорида мурожаат қилган шахслар (масалан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, блогерлар)га фоиз тўлаш амалиётини жорий этиш зарур. Бундай амалиёт жамоатчилик назоратини кучайтириш билан бирга истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги умумий манфаатларни таъминлашга хизмат қилади.

15. Истеъмолчи доимо ҳақ ва ҳар биримиз истеъмолчимиз. Шундай экан, истеъмолчи ҳуқуқлари ҳар доим давлат ва жамият диққат марказида ҳамда эътиборида бўлиб келмоқда. Дунё аҳолиси сонининг ўсиб бориши, ўз навбатида, истеъмолга бўлган талабнинг ортиши, озиқ-овқат ва бошқа ресурслар заҳираси камайиб боришига, бу эса, айти пайтда истеъмол талабларининг кўпайиб боришига олиб келади. Мазкур жараёнда истеъмолчилар эҳтиёжларини таъминлашнинг қийинлашиб бориши ва натижада турли монопол ташкилотларнинг истеъмолчилар манфаатларига зид равишда иш юритишлари оқибатида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига нисбатан янги хавф-ҳатарлар юзага келади. Шу сабабли истеъмолчилар ҳуқуқларини одатдаги бузилишидан фарқли равишда монопол тузилмалар томонидан бузилишига нисбатан комплекс чораларни ишлаб чиқиш ва бунда асосий эътиборни монопол тузилмалар ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномалар тизимини яратишга қаратиш ўринлидир.

16. Истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамда қонунчиликда истеъмолчи мақоми учун белгиланган

қўшимча кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланиш имкониятидан фойдаланилишга ҳақли бўлган шахслар доираси ва қўламини аниқлаш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этади. Шу сабабли истеъмолчи тоифасига касаначилар, ўз-ўзини банд қилган шахслар ҳамда фермер хўжалиқларини киритиш йўли билан улар доирасини кенгайтириш борасида хорижий мамлакатлар қонунчилигида қўлланилаётган илғор тажрибани миллий қонунчиликка ҳам киритиш истиқболлари муҳимдир.

II. Қонун ижодкорлиги йўналишидаги таклифлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини такомиллаштиришга оид таклифлар:

1.1. Амалдаги ФКда ва ФК лойиҳасида фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти назарда тутилган. Бироқ фуқаронинг ҳуқуқий муносабатларда иштироки билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳати, унинг истеъмолчилик мақоми ва ҳолати ўз ифодаси топмаган. Фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишдаги мазкур бўшлиқ фуқаронинг истеъмолчи сифатида ҳуқуқларини ҳимоя қилишда салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ФКга 24¹-моддасини киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда ифодалаш лозим:

«24¹-модда. Фуқаронинг истеъмолчилиги

Истеъмол мақсадларида товар сотиб олаётган ёки ундан фойдаланилаётган, иш ёки хизматга буюртма бераётган ёки шу ниятда мурожаат қилаётган фуқаро истеъмолчи ҳисобланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда истеъмолчи ҳуқуқининг устунлиги ҳисобга олинади».

1.2. «Мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидаларнинг қўлланилиши» номли 234¹-модда сифатида қуйидаги таҳрирда белгиланиши зарур:

«Агар ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда ифодаланган шартномаларнинг алоҳида турлари тўғрисидаги қоидаларда бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса, шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар (шартномавий мажбуриятлар)га нисбатан мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар (ушбу кичик бўлим) қўлланилади, бундай махсус қоидалар мавжуд бўлмаганида шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади (2-кичик бўлим).

Агар ушбу Кодекснинг 57 ва 58-бобларида бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса ёки тегишли муносабатнинг моҳиятидан бошқа маъно келиб чиқмаса, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ва асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар (ушбу кичик бўлим) қўлланилади.

Ушбу Кодекс, бошқа қонунларда бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса ёки тегишли муносабатнинг моҳиятидан бошқа маъно англашилмаса, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар (ушбу кичик бўлим):

1) корпоратив муносабатлардан келиб чиққан талабларга (4-боб);

2) битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш билан боғлиқ қуйидаги талабларга нисбатан қўлланилади (4-кичик бўлим 9-боб 2-параграф).

1.3. ФКнинг 360-моддаси қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш ва унинг учинчи қисмини тегишинча тўртинчи қисм деб ҳисоблаш зарур:

«Агар қонунда бошқа ҳолат белгиланган бўлмаса ёки мажбуриятнинг моҳиятидан ўзга маъно англашилмаса, шартномага қўшилувчи тарафнинг талаби бўйича суд томонидан шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳолларда шартнома ўзгартирилгунга қадар амалда бўлган қисми тузилган пайтидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади».

14. «Чакана олди-сотди шартномасининг шакли» номли 425¹-моддани киритиш ва уни қуйидагича баён этиш лозим:

«Агар қонун ёки чакана олди-сотди шартномасида, шу жумладан сотиб олувчи қўшиладиган формулярлар шартлари ёки бошқа стандарт шаклларда (360-модда) бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса, чакана олди-сотди шартномаси сотувчи томонидан сотиб олувчига товар ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи касса ёки товар чеки, электрон ёки бошқа ҳужжат берилган пайтда тегишли шаклда тузилган ҳисобланади. Сотиб олувчида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслиги уни шартноманинг тузилганлиги ва унинг шартларини тасдиқлаш учун гувоҳларнинг кўрсатмасидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилмайди».

1.5. ФКнинг 429-моддасини «Товарни намуна бўйича сотиш ва товарни сотишнинг масофавий усули» деб номлаш ва уни қуйидаги тахрирда ифодалаш мақсадга мувофиқ:

«Чакана олди-сотди шартномаси сотувчи томонидан таклиф этиладиган ва товарларни сотиш жойида қўйиладиган товар намунаси билан сотиб олувчини таништириш асосида тузилиши мумкин (товарни намуна бўйича сотиш).

Чакана олди-сотди шартномаси сотувчи томонидан таклиф этилган товарни каталоглар, проспектлар, буклетлар, фотосуратлар, алоқа воситалари (теле-, радиоалоқа, почта, ва бошқалар) орқали тавсифлаш асосида ёки шундай шартнома тузилаётганда истеъмолчининг товар ёки товар намунаси билан бевосита танишиш имкониятини истисно этадиган бошқа усулда тузилиши мумкин (товарни сотишнинг масофавий усули).

Агар қонунда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ёки шартномада бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса, товарни намуна бўйича чанак олди-сотди шартномаси ёки товарни сотишнинг масофавий усулида тузилган чакана олди-сотди шартномаси товар шартномада белгиланган жойга етказилган пайтда, агар товарни топшириш жойи шартномада белгиланган бўлмаса, товар сотиб олувчи – фуқаро яшаш жойига ёки сотиб олувчи – юридик шахс жойлашган жойга етказилган пайтда бажарилган ҳисобланади.

Агар қонунда бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи товар топширилгунга қадар сотувчига шартномани ижро этиш бўйича амалга оширилган ҳаракатлар билан боғлиқ харажатларни қоплаш шarti билан ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган чакана олди-сотди шартномасининг исталган тури бажарилишидан бош тортишга ҳақли».

1.6. «Ижара асосида сотиш шартномаси» номли 432¹-моддани киритиш ва уни қуйидаги мазмунда белгилаш зарур:

«Шартномада товарга нисбатан мулк ҳуқуқи сотиб олувчига ўтгунига қадар (424-модда) сотиб олувчи унга топширилган товарнинг ижарага олувчиси (ижрачиси) ҳисобланиши (ижара асосида сотиш шартномаси) назарда тутилиши мумкин.

Агар шартномада бошқа ҳолат белгиланган бўлмаса, сотиб олувчи товар ҳақи тўланган пайтда товарга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритади».

1.7. «467¹-модда. Сотувчининг товар камчиликлари тўғрисида хабар бериши» номли моддани киритиш ва унинг қуйидаги мазмунда белгилаш лозим:

«Сотувчи сотиб олувчига топшираётган товарнинг ўзига маълум камчиликлари тўғрисида хабардор қилиб сотиши шарт.

Агар сотувчи товарнинг ўзига маълум камчиликлари тўғрисида товарни сотиб олувчига топширишдан олдин хабардор қилмаса, сотиб олувчи товарни сотиб олишдан бош тортиш ва ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли».

1.8. ФКга «масофавий шартнома» номли алоҳида бобни киритиш ва унда «масофавий шартнома» тушунчаси, мазкур шартноманинг муҳим шартларини белгилаш, бу шартнома бўйича сотувчи томонидан тақдим этиладиган талаблар ва улар бўйича маълумотларни тақдим этиш усули, сотиб олувчининг ҳуқуқлари, тарафларнинг жавобгарлиги каби нормаларни ифодалаш лозим бўлади.

1.9. ФКга «Истеъмолчи-фуқаролар иштирокида товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш» бобини киритиш мақсадга мувофиқ.

1.10. ФКга «товарни синов муддати билан сотиш шартномаси» номли модда ва тегишли қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунини такомиллаштиришга оид тақлифлар:

2.1. 5-моддаси 2-қисми иккинчи жумласига қуйидаги қўшимча киритилиши зарур:

унинг матни ва ҳарфлар ўлчами истеъмолчи учун осон ўқиладиган ва тушуниладиган бўлиши лозим.

2.2. 6-моддаси 2-қисмига охири банд сифатида қуйидаги қондани киритиш мақсадга мувофиқдир: «шикоят кўриб чиқилаётганда маҳсулот сотиб олинганлиги, хизмат кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи касса чекини ёки бошқа ҳужжатни тақдим этиши мажбурияти тўғрисидаги ахборот».

2.3. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик мамлакатимизда амалга оширилаётган бугунги ислохотлар жараёнидан бир қадар ортда қолаётганлиги ҳамда истеъмолчи ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини янада ишончли қафолатлаш мақсадида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунини янги таҳрирда қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

3. Истеъмолчиларнинг алоҳида тоифаси бўлган болаларнинг хавфсиз ва сифатли ўйинчоқларга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда бу борадаги ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар мажбурияти ва масъулиятини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ўйинчоқлар хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши мақсадга мувофиқ (қонун лойиҳаси илова қилинади).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари»га илова сифатида «Товарларни масофавий усулда сотиш қоидалари»ни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

5. Чакана савдо Қоидаларида «чакана савдо» тушунчасига берилган таърифни қуйидаги таҳрирда белгилаш зарур: «чакана савдо – савдо соҳасида пировард истеъмолчи учун, аҳолига нақд пулга доналаб ёки унча кўп бўлмаган миқдордаги шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарлар сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш».

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сон қарорига 5-илова «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш қоидалари» истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бугунги хавф-хатарлари, талабларига жавоб бермайди. Айниқса, маиший хизмат турлари ва уни кўрсатиш усулларининг ортиб бориши, хизматни уйга бориб кўрсатиш турларининг кўпайиб бораётганлиги мазкур қоидаларни янги таҳрирда қабул қилиш заруратини кўрсатади.

7. Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқишда истеъмолчилар, тадбиркорлик субъектлари ва давлат манфаатларининг мувозанатини таъминлашга қаратилган махсус нормани назарда тутиш лозим. Фикримизча, бу норма қуйидаги мазмунда белгиниши мақсадга мувофиқдир:

«Тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва воситаларини жорий этиш фаолият ёки ҳаракатлар (операциялар)нинг етарли даражадаги хавфсизлигини, тадбиркорлик субъектларига минимал зарурий юклама бўлганида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини максимал самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Давлат томонидан тартибга солишни амалга оширишда давлат органлари тадбиркорлик субъектларидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланмаган ҳужжат ва қўшимча маълумотларни талаб қилишга ҳақли эмаслар.

Малакавий ва рухсат бериш талаблари тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган фаолият, ҳаракат (операция) ёки объектнинг хавфсизлиги учун талаб этиладиган даражани таъминлаш учун етарли бўлган ресурс, норматив ва кўрсаткичларнинг минимал зарурий жамланмасини таъминлаши лозим».

8. Ишлаб чиқилаётган Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида «Товарнинг характери, ишлаб чиқариш усули ва жойи, истеъмол хусусиятлари, сифати ва миқдори, шунингдек унинг ишлаб чиқарувчисига оид нотўғри

маълумотларни истеъмолчига тақдим этган ҳолда товар сотиш» номли моддани киритиш ҳамда уни қуйидаги мазмунда белгилаш ўринли бўлади:

«Нотўғри маълумотни тақдим этган ҳолда товар сотиш - товарнинг характери, ишлаб чиқариш усули ва жойи, истеъмол хусусиятлари, сифати ва миқдори ва унинг ишлаб чиқарувчисига оид ҳар қандай шаклдаги нотўғри маълумотларни истеъмолчига тақдим этиш ҳисобланади».

Умуман олганда, истеъмолчи, тадбиркорлик субъекти ва давлат манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, бунинг учун эса истиқболда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган кодификациялашган ҳужжат бўлиши кутилаётган ва ҳозирда ишлаб чиқиляётган Тадбиркорлик кодексида махсус нормаларни белгилаш зарур бўлади.

III. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар:

1. Бугунги кунда маънавий зиён учун компенсация миқдорини белгилашда қандайдир рақамли ифодалар учун жадвал ёки формулаларни жорий этиш ёки қўллаш имконсиз. Чунки маънавий зиён ҳиссиёт, туйғулар ва маънавий билан боғлиқ бўлиб, бу тушунчаларни муайян стандартлар, қолиплар ва ўлчамлар билан белгилашнинг имкони йўқ. Зеро, ҳар бир инсон ўзига хос ва такрорланмас ички дунёга эга. Шу боис маънавий зиён учун компенсация миқдорини суд қонунда белгиланган мезонлардан келиб чиқиб аниқлаши амалиётини кучайтириш, бунинг учун эса, суднинг тегишли тавсиялар доирасини кенгайтириш ва аниқлаштириш лозим бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-сон «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорига маънавий зиён учун компенсация миқдорини аниқлаштиришга хизмат қилувчи, оқилоналик, адолат каби мезонлар ҳамда зарар етказувчининг айби даражасини аниқлаштирувчи омилларга оид тавсияларни кенгрок ифодалаш лозим.

2. Истеъмолчилар ҳуқуқлари амал қилиш соҳалари доирасининг кенглиги ҳамда судлар томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун нормаларини қўллашда бир хилдаги ёндашувни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича низоларни кўриш тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.07/30.12.2019.Уч.22.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

БАБАЕВ ДЖАХОНГИР ИСМАИЛБЕКОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОГО
РЕГУЛИРОВАНИЯ ВОЗМЕЩЕНИЯ ВРЕДА, ПРИЧИНЕННОГО
ПОТРЕБИТЕЛЮ**

12.00.03 – Гражданское право. Предпринимательское право.
Семейное право. Международное частное право

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.DSc/Yu140.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.tsul.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Окюлов Омонбой
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Самарходжаев Батыр Билялович
доктор юридических наук, профессор

Топилдиев Вохиджон Рахимжонович
доктор юридических наук, профессор

Маткурбанов Рашид Жолдасбаевич
доктор юридических наук, профессор

Ведущая организация:

**Таможенный институт Государственного
таможенного комитета Республики
Узбекистан**

Защита диссертации состоится 29 декабря 2021 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc 07/30.12.2019.Yu.22.01 при Ташкентском государственном юридическом университете (Адрес: 100047, г. Ташкент, улица Сайилгох, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрировано за №1001). (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Автореферат диссертации разослан «14» декабря 2021 года.
(протокол реестра №21 от «14» декабря 2021 года).



И.Р. Рустамбеков
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор юридических наук,
профессор

Д.Ю. Хабибуллаев
Научный секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
кандидат юридических наук,
профессор

С.С. Гулямов
Председатель Научного семинара
при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор
юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется обеспечению потребителей качественными и безопасными товарами (работами, услугами), а также защите их прав. На основе потребительского статуса каждого человека наряду с установлением особых требований к производителям, продавцам, исполнителям работ и поставщикам услуг установление усиленных мер ответственности, а также предоставление потребителю льгот в части возмещения убытков является приоритетной задачей. Например, в 2019 году Facebook был оштрафован на 5 млрд долларов США за раскрытие информации о потребителях⁸, а Johnson&Johnson был оштрафован на 2,2 млрд за нарушение законодательства о рекламе⁹.

В мире в качестве приоритетного направления в сфере защиты прав потребителей особое внимание уделяется реализации товаров (работ, услуг) на основе удаленных договоров, обслуживанию потребителей через Интернет и правовой основе для вступления в правоотношения с потребителями через электронные торговые площадки. При этом первоочередными задачами являются обеспечение прав потребителя, определение объема и размера причиненного ему ущерба, а также возможности полной реализации его прав, установленных законом. В то же время установление справедливых критериев компенсации морального вреда потребителю, предотвращение злоупотреблений в этой связи также является важным вопросом современной юриспруденции.

Сегодня в правовом поле намечается тенденция расширения статуса потребителя, по которому физическое лицо становится обладателем статуса потребителя не только при приобретении товара для потребительских и бытовых целей, но и с целью приобретения средств производства в определенных отраслях (например, сельское хозяйство, надомный труд, ремесло), а контрагент потребителя привязывают к предпринимательской деятельности, на основании чего и определяется их статус. Кроме того, вопросы определения круга субъектов, которым необходимо возместить причиненный им ущерб, презумпция виновности причинителя вреда, размер возмещения как меры гражданско-правовой ответственности, объем возмещения в контексте защиты прав потребителей остаются актуальными как объект исследования в мировой цивилистике.

В Узбекистане актуальным является совершенствование понятия статуса потребителя, его признаки и характеристики, основа и порядок возмещения вреда потребителю. Расширение объема и видов правоотношений между потребителем и его контрагентами, появление новых форм торговли, выполнения работ и оказания услуг создает новые вызовы и риски при реализации и защите прав потребителей. В качестве решения указанных проблем целесообразно изучить вопросы идентификации лица,

⁸ <https://www.forbes.ru/tehnologii/380671-facebook-oshtrafovali-na-rekordnye-5-mlrd>

⁹ <https://www.rbc.ru/economics/05/11/2013/570412439a794761e0ce358d>

реализации и защите прав потребителей. В качестве решения указанных проблем целесообразно изучить вопросы идентификации лица, причинившего вред потребителю, выявления в Интернете продавцов и исполнителей мошенников, расширение структуры ущерба, подлежащего возмещению, расширения круга прав потребителей.

В нашей стране разработаны основы гражданско-правового регулирования компенсации вреда потребителям. В частности, данная исследовательская работа в определенной мере послужит реализации задач, предусмотренных в Гражданском кодексе Республики Узбекистан (1995, 1996), Жилищном кодексе (1996), Законах «О защите прав потребителей» (1996), «О рекламе» (1998), «О гарантиях защиты вкладов граждан в банках» (2002), «О лекарственных средствах и фармацевтической деятельности» (2016), «О туризме» (2019), Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 года³ и Распоряжении «О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан» №Р-5464 от 5 апреля 2019 года.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴.

Исследования по совершенствованию основ компенсации потребителям осуществляют ведущие исследовательские центры и университеты по всему миру, в том числе University of Pennsylvania, University of Florida, Harvard Law School, University of Chicago, Princeton University, Yale University, Columbia University (Соединенные Штаты Америки); University of Cambridge, Oxford University, Cornell University (Великобритания); University of British Columbia (Канада); Sarbonne University (Франция); University of Bergen Norway (Норвегия); Hebrew University of Jerusalem (Израиль); University of Brussels (Бельгия); Victoria University of Wellington (Новая Зеландия); Санкт-Петербургский государственный университет, Московский Государственный институт Международных отношений, Южно-Уральский Государственный Университет, Белгородский государственный национальный исследовательский университет (Российская Федерация); Ташкентский государственный юридический университет (Узбекистан).

³ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

⁴ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществлен на основании <https://www.upenn.edu>; <https://www.cambridge.org>; <https://search.ufl.edu>; <https://www.ox.ac.uk>; <https://www.uchicago.edu>; <https://www.princeton.edu>; <http://www.tsul.uz/> и других источников.

